

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ДЖУРАЕВ АБДУЖАЛИЛ МАННАПОВИЧ

**ЧАРМ БУЮМЛАРИНИ ЯНГИ ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАРИ БИЛАН
САМАРАЛИ ГИДРОФОБЛАШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

**05.06.03 – Тери, мўйна, пойабзал ва тери-галантерея буюмлари технологияси
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the abstract of doctor (DSc) dissertation

Джураев Абдужалил Маннапович

Чарм буюмларини янги полимер материаллари билан самарали гидрофоблашнинг илмий-амалий асослари..... 3

Джураев Абдужалил Маннапович

Научно-практические основы эффективной гидрофобизации изделий из кожи новыми полимерными материалами..... 37

Djurayev Abdujalil Mannapovich

Scientific and practical foundations for the effective hydrophobation of leather goods with new polymeric materials..... 71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 75

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ДЖУРАЕВ АБДУЖАЛИЛ МАННАПОВИЧ

**ЧАРМ БУЮМЛАРИНИ ЯНГИ ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАРИ БИЛАН
САМАРАЛИ ГИДРОФОБЛАШНИНГ ИЛМий-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

**05.06.03 – Тери, мўйна, пойабзал ва тери-галантерея буюмлари технологияси
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.DSc/T374 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://web.ttyesi.uz>) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий консультант: **Қодиров Тўлқин Жумаевич**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Бахадиров Ғайрат Атахонович**
техника фанлари доктори, профессор

Жўраев Асрор Бахтиёр ўғли
техника фанлари доктори, профессор

Худайбердиева Дилфуза Бахрамовна
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Бухоро муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил 28 ноябр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Шохжохон кўчаси 5. Тел.: (+99871) 253-06-06, факс: (+99871) 253-36-17, e-mail: titlp_info@edu.uz ТТЕСИ маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№208 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Шохжохон кўчаси 5. Тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08. e-mail: titlp_info@edu.uz

Диссертация автореферати 2024 йил 12 ноябр куни тарқатилди.

(2024 йил 12 ноябрдаги №208 рақамли реестр баённомаси).



Х.Х.Камилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.З.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Н.Б.Мирзаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда чарм ва мўйна ишлаб чиқариш жадал ривожланиб бормоқда, шу жумладан пойабзал бозорида рақобат муҳитининг кучайиши пойабзал ишлаб чиқариш корхоналарининг олдига бозор муҳитига тез мослашувчан, маҳаллий истеъмолчилар талабларига мос товарларни кўпроқ яратиши ва рақобатбардош, эксплуатацион хусусиятлари яхшиланган, сув ўтказмайдиган юқори сифатли чарм пойабзалларни ишлаб чиқариш учун энергия-ресурстежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Хозирда енгил комфортли ва одамларнинг саломатлиги билан боғлиқ бўлган пойабзални яратишга интилиш замонавий пойабзал ишлаб чиқариш жараёнини сифатли амалга оширадиган ускуна ва жихозларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан пойабзални пардозлаш учун иш сифати юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор техника воситалари ва қурилмаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳондаги ва етакчи пойабзал ишлаб чиқариш корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган пойабзал маҳсулотлари таҳлилидан маълум бўлдики, бунда пойабзал конструкцияси, уни тайёрлашда қўлланиладиган деталлар, уларни бириктириш усуллари, чокларларни герметиклаш усулини танлашга махсус аппретурадан фойдаланган ҳолда гидрофоблашга асосланган, комплексли ёндашиш йўли орқали юқори сифатга эга бўлган сув ўтказмайдиган буюмларни тайёрлаш учун ресурстежамкор технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, чармга гидрофобли ишлов бериш технологияси сув юқтирмайдиган хусусиятлари эвазига на фақат пойабзал сиртидан сув оқиб кетишини таъминлаши, балки чарм “нафас олиши”га имкон яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ишлаб чиқарилаётган чарм турлари ассортиментини кенгайтиришда энергия сарфини камайтириш, самарадор технологиялар ва мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада ошириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, “Худудларда чарм маҳсулотидан пойабзал ва чарм-атторлик тайёр маҳсулотлари, шунингдек импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш орқали 2026 йилга бориб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажмларини ошириш бунда, тайёр чарм маҳсулотларини 2,3 баробарига ошириш...”² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан пойабзал тайёрлашда меҳнат ҳамда энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, сифатли буюмларни тайёрлашда ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Шунини таъкидлаш жоизки, бунда мустақил давлатларда ва «Ўзкимёсаноат» Давлат акционерлик компаниясида чарм-пойабзал технологияси учун мўлжалланган полимер материаллар ва бир қатор махсус препаратлар миқдори

сезиларли даражада чегараланган, улар муаммони ечиш учун етарли даражада эмас. Шу билан боғлиқ бўлган ҳолда ушбу диссертация иши мавжуд маҳаллий ва янгидан яратилган материаллардан рационал фойдаланишга, уларнинг композициясини яратишга ва муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа вазифаларни ечишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги” Фармони ва 2021 йил 8 февралдаги ПҚ-4982-сон “Чарм пойабзал ва мўйначилик соҳаларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 3 майдаги ПҚ-3693-сон “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари: ДИТТ-12 “Ишлаб чиқаришнинг ресурстежамкор, юқори самарали технологиясини яратиш; ОТ-ФЗ - «Химия, биология ва тиббиёт»; ППИ-3 -«Энергетика, энерго- ва ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбоб яшаш»; ИП-2 - «Энергетика, -«Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» дастурларига, фан ва технологиялар ривожланишининг IV«Нанотехнологиялар ва кимёвий технологиялар» истиқболли йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Италия, АҚШ, Германия, Корея, Хитой, Япония, Англия, Канада, Россия, ва ҳ.к. каби давлатларда полимерли материаллар ёрдамида чарм буюмларини гидрофоблашга доир тадқиқот ишлари олиб борилмоқда

Етакчи илмий марказлар: Department of Tongji University, Shanghai, Peop. Rep. China. Cailiao Kexue Yu Gongcheng Xuebao, School of Materials Science and Engineering at the Georgia Institute of Technology, Royal College of Art, London, Technische Universitat Dresden, Shinshu University, Korea Dyeing Technology Center, Korea Institute of Industrial Technology. The Journal of the American leather Chemists association, Jingxi Huagong. Xianyang, Peop. Rep. China,

Stazione Sperimentale l'Industria Pelli, Materie Concianti,

Naples, Italy, Patentwrittenin German, The Journal of the American leather Chemistsassociation ва Россия фанлар Академияси томонидан белгилаб қўйилганки, бунда иккита ва ундан ортиқ сувда эрувчан полимерларни қўллаш бўйича талаб қилинган технологик самарадорликка эришиш учун компонентларни тўғри танлаб олишдан ташқари, олинадиган композитларда уларнинг дастлабки нисбатлари муҳим аҳамиятга эга, чунки улар ишлов бериш жараёнида чарм буюмлари учун мўлжалланган материал хусусиятларига сезиларли даражада таъсир этади.

Шундай қилиб, адабиётларда нам алмашувчанлик нуқтаи назаридан гигиеник пойабзал яратиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган назарий ва амалий тадқиқот маълумотлари ва тафсиялар мавжуд эмаслиги, шунингдек гигиеник пойабзал ва пойабзал материаллари бўйича умумий қабул қилинган методика ва баҳолаш меъзонлари ёритиб берилмаган деб, хулосага келиш мумкин. Ушбу ҳолат пойабзал ва бошқа чарм буюмларини комфортлигини таъминлаш учун мувофиқ равишда уларнинг деталлари сифатида қўлланиладиган материалларга қўйиладиган талабларни объектив асослашга имкон бермайди. Бундан келиб чиққан ҳолда, муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор илмий-амалий долзарб вазифалар ечимини топиш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқлиги намоён бўлади. Ўрганиб чиқилган маълумотлар натижасида сезиларли даражада самарали ва экологик жиҳатдан хавфсиз полимерли гидрофобизаторларни яратиш бўйича йўналишнинг долзарблиги тасдиқланди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Э.Д. Ковингтон, Г. Райх, К. Коломазник, В. Мэлисса, Ч.Эдди, С.Гордон, Н.Н.Браун, М.Д.Брус К.М.Зурабян, Б.Я. Краснов, В.И.Чурсин, В.Ф. Федоренко, Т.К.Шапошникова, Т.Т.Решетнева, Қодиров Т.Ж. ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган мавжуд илмий тадқиқотлар чарм ва чарм маҳсулотларини гидрофоблаш бўйича асосий йўналишларни аниқлаб олиш имконини беради. Бироқ, улар асосида композицион материаллар яратиш ва амалий тайёр маҳсулотни гидрофоблаш жараёнида уларни қўлланилиш соҳаси бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги куйидаги лойиҳаларда ўз аксини топган:

Мазкур диссертация иши “Табиий чармга махсус мўлжалланган янги органисилоксанли полимерлар билан гидрофобли ишлов беришнинг самарали технологиясини яратиш” (2009-2011 й.) мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси ОЎМТВ ИТД-6-043 Давлат илмий-техникавий дастурининг тематик режаларига ва А-12-16 «Коллагеннинг саноат чиқиндиларини гидролиз ва модификация қилиш билан чарм учун импорт ўрини босувчи пардозлаш материални яратиш» ва ПЗ-20170925162 «Чарм буюмлари гидрофоблаш учун янги полимер материаллар яратиш ҳамда унинг эксплуатацион хоссаларини яхшилаш» мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: янги ва маҳаллий бирикмалар асосида гидрофобловчи композицион материал яратиш, уларни тадқиқ этиш, гидрофобланган чармларни физик-механик, кимёвий яъни комплекс хоссаларини аниқлаш, ҳамда иқтисодий самарадорликга эришишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гидрофобловчи материалларни қўллашда сифатиги қўйиладиган талабларни таҳлил қилиш;

полимерлар асосида янги гидрофобловчи таркибни яратиш ва тадбиқ қилиш ва гидрофобланган чармларни реологик хусусиятларини аниқлаш;

гидрофобланган чармларни микроструктурасини ўзгариш морфологияси ва эксплуатацион хоссалари, шу билан бирга чармга намликни сорбцияланиш – десорбцияланишда гидрофобизацияни самарали таъсирини аниқлаш;

пойабзал устки қисми учун чарм микроструктурасига томчи сувни ютилиш кинетикаси ва томчи оқиб тушишига таъсирини ўрганиш;

термик барқарорлик асосида аморф-кристаллик холатларни ўрганиш ва гидрофобланган пойабзал чармларни нам алмашиш хусусиятларини аниқлаш экспериментал тадқиқодлар ўтказиш;

пойабзал устки қисми учун гидрофобланган чармларга кўш радиацияси ва ёғингарчиликни таъсир даражаси, характери ва унинг деструкцияланиши ўрганиш;

янги гидрофобизатор асосида ишлов берилган пойабзал устки қисми учун сув бардош чармларни гигиеник ва физик–механик хусусиятларини яхшилашга таъсир этувчи омилларни экспериментал тадқиқодлар асосида аниқлаш;

реал шароитда эксплуатация қилишда гидрофобланган намуналарни апробация қилиш ва иқтисодий самарадорликга эришиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида метакрилли эмульсия, гидролизланган полиакриламид, эмульсияланган углеводород, пенетратор, полиэтилгидро-силоксан, бутанол поливинилэтинилдигидроксихлорсилан асосида олинган полимерли композицион материаллар ҳисобланади. Гидрофобизаторларнинг ўзаро таъсири хромли ошланган чарм “яловка” сигир чарм намуналарида тадқиқ этилди.

Тадқиқотнинг предмети кўзланган мақсадга эришиш учун диссертация ишида стандартлаштирилган ва замонавий тадқиқот усулларидан фойдаланилди. Экспериментал тадқиқотлар аналитик усуллар, режалаштириш ва бошқа экспериментал натижаларга ишлов бериш усуллари қўллаган ҳолда амалга оширилган.

Тадқиқотнинг усуллари: структурали, физик-механик ва физик-кимёвий хусусиятларни тадқиқ этишда электрон микроскопия, ренгенструктурали таҳлил усуллардан, дифференциал-сканерловчи калориметрия, ”ИК”, ”УФ” “ЯМР” спектрлари, пикнометрия ва қўлланилаётган материалларни баҳолашнинг стандарт усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотларнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

акрилатлар ва поливинилэтинилдигидроксихлорсилан асосида биринчи мартаба гидрофобловчи композиция яратилган ва гидрофобловчи композиция чарм буюмларини сув таъсирига бардошлилиги оширилган шу билан бирга аппретуралаш сифатида пардозлаш технологияси яратилган;

пардани адгезияси ва термик барқарорлигини таъминлаш учун гидрофобловчи композицияни масса улушига 5% поливинил-этинилдихлорсилан қўшилиши кераклиги аниқланган;

дастлаб сув билан намланган чарм намуналари, кейинги жараёнларда дерма структураларидаги элементлари билан мустаҳкам боғларни ҳосил қилиши ва чармнинг юқори ўтказувчанлик хоссаларини сақлаган ҳолда сувга таъсирига бардошлилик хусусияти ортиши композиция таркибига пенетратор қўшиш натижасида таъминланган;

поливинилэтинилдигидроксихлорсилан асосидаги гидрофобланган намуналарда коллаген макромолекулаларининг чокланиши ва фибрилляр структурани қоплаган ҳолда парда ҳосил қилиши, чармнинг структурасида ғовакларнинг миқдори ортиши, намликни конденсацияланиш тезлигини ошириш ва чарм буюмларини юқори ўтказувчанлик, сув ўтказувчанлик хоссалари мақсадга мувофиқлиги таъминланган;

дифференциал-сканерловчи калориметрия ва термогравиметрия ёрдамида гидрофобланган чарм намуналарининг ҳарорат интервали ортишида (экзотермик эффект) асосан гидрофобловчи композициянинг функционал фаол гуруҳлари чарм коллагени билан реакцияга киришиши ҳисобига улар орасидаги молекулалараро боғларнинг узилиши содир бўлгани чармнинг кристалланиш зоналарига кириб бориши аниқланган;

хромли ошланган чармларни чўзилиш кўрсаткичлари, йиртилишдаги юқори мустаҳкамликга эришиш, гигиеник хусусиятлари бўйича чармга қўйилган техник талабларда белгиланган меъёрларга жавоб бериши мақсадида гидрофобловчи компонентлар билан ишлов бериш усули такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бора чарм буюмларини ишлаб чиқаришни пардозлаш жараёнида қўлланиладиган, чармнинг устки сирт микро (морфологик) структурасининг гидрофоблик кўрсаткичини ошириш имконини берувчи янги гидрофобловчи композиция намуналари ишлаб чиқилган;

гидрофобловчи композицияни сайқаллаш жараёни таъсири ҳисобига устки чарм юзасининг физикавий-механик, структуравий ўзгариши бўйича асосий қонуниятларни аниқловчи ва тасдиқловчи экспериментал тадқиқот натижаларига асосан юқори сув таъсирига бардошлиги аниқланган:

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Замонавий таҳлил услубларидан фойдаланилганлиги, назарий ва лаборатория тадқиқотларининг ўзаро мос келиши, синовларнинг тавсия қилинган натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олиб борилган тажрибавий-экспериментал тадқиқотлар асосида қуйидагиларга эришилди:

янги гидрофобловчи композицияни қўллаш технологияси пардозлаш жараёни босқичида юқори физик-механик ва кимёвий хусусиятларга ва сифат кўрсаткичларга эга бўлган тайёр маҳсулот олиш билан изоҳланади;

яратилган технологик комплекслар ва жараёнлар ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказилди, МЧЖ «Пойабзалчи» корхонасида гидрофоб композицияли 400 жуфт эркаклар ботинкаси ишлаб чиқарилди ва пойабзал

ишлаб чиқариш жараёнида импорт материал ўрнига янги гидрофобловчи композицион материални амалиётда қўллаш ҳисобига бир иш кунида 400 жуфтдан олинadиган умумий иқтисодий самарадорлик 1,629168млн. сўмни ташкил этди. Кутилаётган иқтисодий самарадорлик бир йилда 477,020388 млн.сўмни (2022 йил июль-август ойлардаги нархлар бўйича) ташкил этиши изохланади:

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чарм буюмларини гидрофоблаш бўйича олинган натижалар асосида:

“Чармни пардозлаш учун пенетратор” олиниш усулига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Интеллектуал мулк агентлиги»нинг ихтиро патенти олинган (№ IAP 04089 (105),29.01.2010 й.). Натижада пардозловчи полимер пленка ҳосил қилувчиларнинг намлаш ва сингиш қобилитини назорат қилиш имконини берадиган технология яратилган;

“Ғовакли полимер материалларини олиш усули”га Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Интеллектуал мулк агентлиги»нинг ихтирога патенти олинган (№IAP 04549. 2012 й.). Натижада температурага чидамли бўлган, углеводородлар, эфирлар, кетонлар ҳамда турли органик эритмаларда эримайдиган ғовакли инерт юмшоқ полимер материали яратилган;

пойабзалларни пардозлаш жараёнлари босқичида янги гидрофобловчи композицияни қўлланиш технологияси Ўзбекистон давлат ассоциацияси “Ўзчармсановат”тасафуридаги «Пойабзалчи» МЧЖ, «Агро-Дери» МЧЖ, ”Нафис” МЧЖ, Ўзбек-Турк тест маркази ҚК ва “SHARQ LEATHER INTERNATIONAL” МЧЖ корхоналарида жорий қилинди (“Ўзчармсановат” уюшмасининг ФБ-7/2001 08-07-2023 маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқариш секторларда эксплуатация кўрсаткичлари 32% га оширилган, тайёр пояабзалларни пардозлаш жараёнлари босқичида янги гидрофобловчи композицияни қўллаш имконияти яратилган:

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 30 та халқаро ва 33 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон (нашр) қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 85 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 22 та мақола, жумладан 5 таси скопусда ва Ўзбекистон Республикасининг 2 та ихтиро патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ҳамда предметлари

тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби кремний органик гидрофобизаторларнинг хусусияти бўйича илмий адабиётлар ва патент маълумотлари таҳлилига бағишланган.

Диссертациянинг “Пойабзал устки қисми чарм материаллар учун гидрофобизаторларни асосий турлари ва хусусиятлари” деб номланган биринчи бобида пойабзал устки чармларини гигиеник хусусиятига турли гидрофобизаторларни таъсирини таҳлили келтирилган. Пойабзал устки чармларини гидрофоблаш жараёнини замонавий ҳолати ва илғор усуллари, ҳаётнинг турли босқичларида поливинилэтинилдигидроксихлорсилан асосидаги гидрофобловчи композицияни қўлланилиши бўйича вазифалар қўйилиши, гидрофоблаш технологиясининг муаммолари ва принципиал имкониятларининг альтернатив усуллари бўйича жаҳонда таниқли олимлар томонидан эълон қилинган илмий-тадқиқот ишлари ва патентлар таҳлили келтирилган.

Иккинчи бобда – Диссертациянинг «Тадқиқот объектлари ва методлари» деб номланган иккинчи боби тадқиқот объектларини танлаш ва уларни асослашга бағишланган.

Учинчи бобда экспериментал натижалар муҳокамасига бағишланган. Гидрофобловчиларнинг асосий физик-кимёвий хоссалари ва чармнинг гидрофоблаш таққотлари шунингдек гидрофоблаштирилган чармнинг эксплуатацион хусусиятлари бўйича оптимал тадқиқот натижалари келтирилган.

Тўртинчи бобда – полимерли гидрофобизаторларнинг структуравий тадқиқоти, коллаген билан гидрофобловчи композициянинг ўзаро таъсирини спектроскопик тадқиқотига бағишланган.

Бешинчи бобда – Пойабзални гидрофоблаш технологияси ва унинг техник-иқтисодий жихатлари. Реал шароитларда хромли ошланган модифирланган чармдан тайёрланган пойабзал устки қисми ташқи деталларининг эксплуатацион хусусиятларини баҳолаш ва гидрофобланувчи пойабзал йиғишнинг намунавий ва ихчам технологик жараёнини тузиш. Пойабзалнинг пардозлашни механик ва физик-кимёвий ихчам пардозлаш технологиясининг принципиал операциялар схемаси ва уларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларига бағишланган.

Полимерлар асосида гидрофобловчи таркибни яратиш

Иккита ва ундан ортиқ сувда эрувчан полимерларни қўллаган ҳолда, талаб қилинган технологик самарадорликка эришиш учун компонентларни тўғри танлаб олишдан ташқари, олинаятган композитларда уларнинг дастлабки нисбатларига эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади, чунки улар чарм буюмлари

учун мўлжалланган, ишлов берилётган материалларнинг хусусиятларига сезиларли даражада таъсир этади.

Шу билан боғлиқ бўлган ҳолда, диссертация ишимнинг мақсади пардозлаш учун мўлжалланган материалларни гидрофоблаш сифатида қўллаш катта қизиқиш уйғотадиган, акрилли полимерлар ва поливинилэтинилдигидроксиҳлорсилан асосида олинган композитлар хусусиятини тадқиқ этишдан иборат.

Диссертация ишида тадқиқот учун асосий объектлар сифатида қуйидагилар: акрилли эмульсия А-1, поливинилэтинилдигидроксиҳлорсилан, гидролизланган полиакриламид, метакрил эмульсия 20 %, эмульгирланган углеводород, ИА-12, пенетратор ва кенг кўламда қўлланиладиган полиэтилгидросилоксан ва бутанолдан фойдаланилган.

1-жадвал

Гидрофобизат таркибларининг турли вариантлари (масс.%)

| Вариантлар | Тажриба | | | | Назорат |
|--|---------|----|-----|----|---------|
| | I | II | III | IV | V |
| Поливинилэтинилдигидроксиҳлорсилан, 80 % | 1 | 3 | 5 | 8 | - |
| Гидролизланган полиакриламид | 20 | 24 | 25 | 26 | - |
| Метакрил эмульсия, 20 % | 33 | 35 | 34 | 35 | - |
| Эмульгирланган углеводород, ИА-12 | 40 | 32 | 30 | 25 | - |
| Пенетратор | 6 | 6 | 6 | 6 | - |
| Контрольный | | | | | |
| Полиэтилгидросилоксан | - | - | - | - | 70 |
| Бутанол | - | - | - | - | 30 |

Поливинилэтинилдигидроксиҳлорсилан асосидаги гидролизланган полиакриламид, метакрил эмульсия, эмульгирланган углеводород, пенетратор ва қиёслаш учун полиэтилгидросилоксан, бутанол турли дастлабки нисбатлардаги гидрофобизаторлар таркиби тайёрланган.

Гидрофобизаторлар 20-22, °С ҳарорат остида, 3-4 соат мобайнида юқорида қайд қилинган материалларни кетма-кет аралаштириш йўли билан тайёрланган (1-жадвал).

Оптимал таркибларнинг оддий механик аралашма ҳосил қилдимиди, ёки бўлмаса бир яхлит система ҳосил қилганлигини текшириб кўриш мақсадида, уларнинг реологик хоссаларининг температурага боғлиқлиги ўрганилди. Кутилганидек, температуранинг маълум даражада кўтарилиши қовушқоқликнинг камайишига, ва кейинчалик 50°С ва ундан юқори температураларда кескин ўзгармасилиги кузатилди.

Унда, гидрофоблашчи таркибларда ПВЭДГХС нинг масса улушининг ортиши билан система қовушқоқлигининг кўтарилиши эса ўз навбатида ПВЭДГХС макромолекуласидаги галоген ва гидроксил гуруҳлари компонентлар билан ўзаро таъсирлашиб мустаҳкам молекулалар аро боғлар ҳосил қилиб,

агрегацияланиб, гомоген композицион материал ҳосил бўланигидан далолат беради. Амалга оширилган тадқиқотларда олинган натижалар шуни кўрсатдики, чарм буюмларини гидрофоблаш якуний технологик жараёнларида парданинг ҳосил бўлиши ва шаклланиши, парда ҳосил бўлиши механизмлари ҳақида анъанавий назариялар билан тўла мувофиқлашади.

Гидрофобизатор хона ҳароратида $20-22^{\circ}\text{C}$ оралиғида ишлов берилади, қуритиш вақти 8-9 мин. 1:3. нисбатда аралаштирилиб мўмиқ щетка, губка орқали кўлда ва 1:2 нисбатда пурковчи ускуна орқали 20-30 см оралиғида ишлов берилади. Гидрофобловчи композицияни сингиши эритувчини бутунлай буғланиб кетиши орқали содир бўлади.

Гидрофобловчи таркибни реологик хусусиятлари ва чармнинг намликни ютиш кинетик қонуниятларини тадқиқ этиш

Поливинилэтинилдигидросилорсилан масса улушининг синтетик полимерлар билан аралашмада қовушқоқликка таъсир этишини тадқиқ этиш натижасида маълум бўлдики, бунда ҳарорат ортиши билан қовушқоқлик раволик билан камайиб боради.

Биз томондан тадқиқ этилган композициялар учун максимал қовушқоқлик қиймати 70 % метакрил эмульсия, 20 %, эмульгирланган углеводород, ИА-12, поливинилэтинилдигидрохлорсилан, 8%, гидролизланган полиакриламид ва 6 % пенетратор масса улушига мос келади. Аралашмадаги қовушқоқлик ортиши шу билан боғлиқки, бунда поливинилэтинилдигидрохлорсилан макромолекуласи таркибида галоген ва гидроксил гуруҳлар микдори сезиларли даражада кўплиги алоҳида компонентлар орасида мустаҳкам молекулалар аро боғларни намоён бўлишига имкон беради, бу ерда ўзаро агрегацияланиб композитли бирикмалар ҳосил бўлади. Белгилаб қўйиш жоизки, бунда вақт ортиши билан чармнинг намлик ютиш тезлиги ҳам ортади. Бироқ, вақтнинг 40 минутга ортиши нам ютиш тезлигига сезиларли даражада таъсир этмайди. Бу гидрофобли композиция ўзига хос турли намланиш хусусиятига эга эканлиги билан боғлиқ. Дастлаб, намунанинг сирт таранглик коэффициентлари камлиги ҳисобига 10-30 минут ичида намланувчанлик кескин ортишига олиб келади, кейин таркибдаги унинг қиймати маълум даражада I дан то IV гача минимумга етади. Кейинчалик вақт ортиши билан, сирт таранглик коэффициентлари ортиши ҳисобига намланиш юз бермайди.

Экспериментлар шундан далолат берадики, бунда дастлаб назоратланувчи гидрофобизаторлар билан намланган намуналар юқори нам ютувчанлик кўрсаткичига эга. Бироқ, 6-10 циклдан сўнг дастлаб сув билан намланган ушбу чарм намуна кўрсаткичи аста-секин стабиллашади. Бу шак-шубҳасиз шу билан боғлиқки, бунда кейинги жараёнларда чарм билан контактда бўлган сув, дерма (тери тўқимаси) структуравий элементлари билан сезиларли даражада мустаҳкам боғланади. Шунинг учун пойабзал устки қисми учун мўлжалланган хромли чармнинг намланувчанлик кўрсаткичи камаяди, бунинг натижасида пойабзалнинг сувга чидамлилиқ кўрсаткичи ортади.

Гидрофобланган чармнинг морфологик ва эксплуатацион хусусиятларининг ўзгариши.

Чармнинг гигиеник хусусиятлари нуқтаи назаридан, шунингдек, пойабзални узоқ муддат фойдаланишни аниқлаш учун айрим технологик жараёнлар учун гидрофоблашда сувнинг чармда сорбция-десорбцияланишига ва унинг ғоваклигига таъсир этиши бўйича муаммоларни аниқлаштириш катта қизиқиш уйғотатади. Шунинг учун тадқиқот ишларида гидрофоблаш сувнинг чармда сорбция-десорбцияланиши жараёнига таъсир этиши тажрибавий чарм намуналарида ҳам, назоратдан ўтаётганларда (полиэтилгидросилоксан билан гидрофоблаштирилган) ҳам аниқланган. $\phi=100$ % бўлганда дастлабки чарм намунаси энг катта намликка эга бўлди, энг кам намлик гидрофоблаштирилган тажриба намунасида аниқланди. Завод намунасининг гигроскопиклик хусусияти оралиқ ҳолатни эгаллади, бу гидрофобизатор юза сиртига табиатдан турли кимёвий моддалар киритилганлиги билан боғлиқ. Олинган маълумотлар таҳлил натижаларидан шундай хулосага келиш мумкинки, бунда дастлабки ишлов берилмаган чарм намунасида гидрофил гуруҳининг чарм коллагени амина гуруҳи мавжудлиги ҳисобига сув таъсирига моликлиги ортиши кузатилди. Шу боис, назорат чарм намуналарида сувли буғларнинг десорбцияланиши секинроқ кечади.

Гидрофобли таркибга эга бўлган тажрибавий чарм намунасининг адсорбцион хусусияти камайиши, чарм структурасида глобуляр тузилма шаклида ўтириб олиши таъсири остида номоён бўлади. Чармнинг юзасига киритилган специфик таркиб ҳисобига, майда ғовакчалар миқдори ортиши мумкин, бунинг натижасида улардаги намлик конденсацияланиши тезлиги ортишига имкон яратилади.

Тажрибавий ва назорат чарм намуналарининг сорбцион хусусиятларини таққослаган ҳолда, шундай хулосага келиш мумкинки, бунда гидрофобланган чарм намунаси энг яхши гигиеник хусусиятларга эга. Шунингдек таъкидлаш жоизки, бунда гидрофобизаторларнинг мақсадга мувофиқ таркибий қисми қўллаш билан чармга керакли хусусиятни бериш мумкин.

Пойабзални эксплуатация қилиш шароитида комфортлигини таъминлашда сорбция ва буғ ўтказувчанлигига таъсири.

Олдимизга қўйилган вазифа шундан иборатки, бунда белгиланган нам алмашувчанлик жараёнини амалга оширишда материалларнинг сорбцион ва буғ ўтказувчанлик ролини аниқлаш учун пойабзални эксплуатация вақтида одам терисидан ажралиб чиққаётган намлик миқдорини материалнинг нам ютувчанлик хусусияти билан солиштириш ва уни буғ ўтказувчан восита ёрдамида чиқариш керак бўлади. Бундай қиёсий таҳлил илмий ишлардаги маълумотлардан ¹ фойдаланилган ҳолда табиий гидрофобланган чармнинг сорбцион хусусиятларини тадқиқ этиш асосида олиб борилган.

¹DiebschiagW. Стопа в обуви. Описание свойств материалов. –MaterialsofCongressontheLeatherIndustry, Budapest, 1978, т. 2, с. 805, Лангмайер Ф., Младек М. Гигиенические свойства материалов для верха обуви и их влияние на комфортность. – Обувная промышленность. М., ЦНИИТЭИлегпрома, 1979, № 8, с. 18.

Тадқиқот объекти сифатида гидрофобланган табиий чарм намуналари ва назоратдан ўтаётган намуналар танлаб олинган. Сорбцион тадқиқотлар пойабзалдан фойдаланиш шароитларига мувофиқ равишда: 20 ва 30°C ҳарорат остида ва намуналарнинг буғ ўтказувчанлик ва нам ютувчанлик кўрсаткичлари ноизотермик шароитларда ($T_1=20^\circ\text{C}$ ва $T_2=32^\circ\text{C}$ ҳарорат остида; $\varphi_1=60\%$ ва $\varphi_2=100\%$ нисбий намликда) 7 соат мобайнида аниқланди (ГОСТ 22900–78).

Намлик балансини ҳисоблашда тизимда шуни ҳисобга олиш керакки, бунда фойдаланишдан аввал берилган дастлабки шароитларда (атроф муҳити $\varphi=40-50\%$, $T=20-21^\circ\text{C}$) материал мувозантли намлик миқдорига эга бўлиши керак. Табиий чарм учун ушбу катталиқ 5% ни ташкил этади.

Агар пойабзал устки қисмини тайёрлаш майдони 6 дм²га тенг, ўртача массаси эса 50 г. бўлса, у ҳолда дастлабки шароитларда ютилган намликнинг мувозанатли миқдори табиий чарм учун 3,0 г ни ташкил этади.

Агар табиий чарм учун тахминан 20% га тенг бўлган ($\varphi=100\%$ ва $T=20^\circ\text{C}$ бўлганда) максимал сорбцион қийматларни (3.2.1.расм), олсак, у ҳолда 7соат эксплуатация муддатида намуна 12 г намликни ютиш хусусиятига эга бўлади (улардан 3 г фойдаланишдан аввал материалда мавжуд бўлган). Шу билан бир қаторда, сорбцияланиш натижасида пойабзалнинг ички қисмдан 8,0 г гача намлик чиқарилиши мумкин.

Шундай қилиб, олиб борилган таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, бунда табиий гидрофобланган чарм барча ишлов бериш вариантларида назорат қилинаётган намунадан фарқ қилган ҳолда, юқори сорбцион хусусиятга эга бўлганлиги эвазига пойабзал ичидаги сиғимдан намликни чиқариши мумкин. Бироқ одам терисидан ажралиб чиқаётган намлик катталигини табиий чармнинг сорбцион сиғим билан солиштирадиган бўлсак, ажралиб чиқаётган намликни тўлиқ чиқариш учун битта сорбцион хусусиятнинг ўзи етарли бўлмайди. Модомики, табиий чармнинг сорбцион сиғимини ошириш имкониятлари чегараланган экан, у ҳолда табиий чармдан тайёрланган пойабзалнинг гигиеник хусусиятларини оширишнинг ягона йўли қолади, имкон қадар ушбу табиий материалнинг юқори ўтказувчанлик хусусиятини камроқ бузиш керак.


Чарм намуналарининг бахтарма юзаси кремний-органик бирикмалар билан хромли ошланган чармга гидрофобли ишлов бериш

Барча тадқиқотлар хромли ошланган I, II, III, IV (чармнинг ўрта қисмидан олинган) хромли ошланган сигир чармидан намунавий (типовой) методика бўйича ва ассиметрик бахрома усули бўйича тайёрланган тажрибавий чарм намуналарда ўтказилди. Назорат V намуналарига полиэтилгидросилоксан композиция билан ишлов берилди. Тажрибавий намуналарга (қиздириб ва қиздирмасдан) юқорида қайд қилинган таркибли (масс.%) кремнийорганик бирикмалар асосидаги 30%ли композиция эритмаси (сарфи 1 дм² чармга 3мл) билан ишлов берилди.


Гидрофобловчи таркибни чарм намуналарининг бахтармаси сиртига бир текисда сурилди. Сўнгра уларни 2 соат мобайнида ҳавода совутилди ва

термошкафта 2 соат мобайнида 55-60°C ҳарорат остида сақланди. Кейинчалик ушбу таркибдаги намуналар 3, 10, 30 сутка мобайнида (жадвалдаги 1, 2, 3, 4-намуналар) очик ҳавода ва (жадвалдаги 6, 7, 8, 9- намуналар) аввалдан қиздириб, сақлаб турилди. Шундан сўнг, динамик шароитда ПВД-2 асоби ёрдамида (ГОСТ 938.22–71) .

“Динамик шароитларда сув ўтказувчанликни аниқлаш усули” бўйича барча чарм намуналарининг сувга бардошли хусусиятлари, сув ўтказувчанлик хусусиятлари ва икки соатли намланувчанлик аниқланди. Эталон сифатида полиэтилгидросилоксан-5чи композициялар билан ишлов берилган назорат чарм намуналаридан фойдаланилди. Тадқиқот натижалари 1-расмда тақдим этилган.



1.Расм. Сув ўтказувчанлик кўрсаткичи қиздирмасдан ишлов берилган чарм намуналарини динамик шароитларда ушлаб туриш муддатига боғлиқлиги (1, 2, 3, 4, эгри чизиқлар) ва 5 – назорат намуналарининг эгри чизиғи(6, 7, 8, 9,эгри чизиқлар).



2.Расм.Сув ўтказувчанлик кўрсаткичи қиздириб, ишлов берилган чарм намуналарини динамик шароитларда ушлаб туриш муддатига боғлиқлиги.


5 – назорат намуналарининг эгри чизиғи гидрофобли ишлов берилган чарм намунасининг III варианты энг самарадор намуна деб топилди. Назорат чарм намуналари билан таққосланганда динамик шароитларда қиздирмасдан ишлов берилган намунанинг сув ўтказмаслик кўрсаткичи 3-3,5 марта ортди (1-расм. 1,2,3,4 эгри чизиқлар). III вариант гидрофобловчи композиция билан қиздириб ишлов берилган чарм натижалари шуни кўрсатдики, бунда сув ўтказмаслик кўрсаткичи динамик шароитларда 2,5 марта ортди, қиздирмасдан ишлов беришда эса 3 марта ортди (мувофиқ равишда 1 ва 2-намуналар), назорат композицияси таркиби қўлланилганда кам самарадорликка эришилди, бироқ,

назорат чарм намуналарига нисбатан тажриба намуналар динамик шароитларда сувга бардошлилик кўрсаткичи 2 марта ошди.

Шундай қилиб, тадқиқ этилаётган композитлар орасида III бирикма варианты энг фаол (I ва II- вариант бирикмаларнинг фаоллиги ундан озгина пастроқ) ва V бирикма вариант энг кам самарадорликка эга бўлган бирикма деб топилди.

Шу билан бир қаторда таркибида III, IV бирикма варианты мавжуд бўлган композиция билан ишлов берилган чармнинг сувга бардошлилик хусусияти, қиздирилмаган I, II бирикма вариант таркибли композиция қўлланилган намунага нисбатан юқори эканлиги маълум бўлди.

Чармнинг сувга бардошлилик хусусиятини сақлаш даражаси худди шунингдек, такрорий синов натижасида қуриштиш – узок муддат мобайнида намлаш-қуриштиш цикли 2-соатли намланиш кўрсаткичи бўйича аниқланди. Намланувчанлик 10 та цикл жараёнида аниқланди. Тадқиқот натижалари 3-расмда тақдим этилган.



3-Расм. Кремнийорганик бирикмалар билан қиздирмасдан (1, 2, 3, 4 эгри чизиклар) ва қиздириб (6, 7, 8, 9, эгри чизиклар) ишлов берилган чарм намуналарнинг намланувчанлик кўрсаткичи намлаш-қуриштиш цикли сонига боғлиқлиги: 6-эгри чизик назорат намунаси.

Барча чарм намуналари учун 2 соатлик намланувчанлик кўрсаткичи амалий жиҳатдан кейинчалик ўзгармаган ҳолда, биринчи иккинчи-учинчи циклларда камаяди. 2-соатли намланувчанлик кўрсаткичи бўйича таркибига III бирикма киритилган композиция билан ишлов берилган чарм намуналари энг яхши натижаларга эга бўлди (3-расм. 2, 3 эгри чизиклар). Шундай қилиб, чармга гидрофобли ишлов бериш учун илгарилари қўлланиладиган полиэтил-гидросилоксанга нисбатан композиция таркибига кирувчи поливинил-этинилдигидрохлорсилан асосида тақдим этилган компонентлар энг фаол эканлиги аниқланди.

Гидрофобли ишлов бериш пойабзал табиий нақшлик чармининг хусусиятларига таъсир этиши


Хромли ошланган чарм пойабзал учун қўлланиладиган ПВЭДГОХС асосида олинган гидрофобловчи композициянинг самарадорлиги кўриб чиқилган.

Тадқиқотнинг мақсади поливинилэтинилдигидроксихлорсилан асосида олинган гидрофобли таркибнинг пойабзал устки қисми намликка чидамлилигик кўрсаткичига таъсир этишини тадқиқ этишдан иборат.

Пойабзал устки қисми учун мўлжалланган чарм синовдан ўтказилди (ГОСТ 939-94). Юза қисмини модифирлаш дастлаб гидрофобланмаган ва ПВЭДГОХС асосида олинган гидрофобловчи композициялар, полиэтил-гидросилоксан гидрофобловчи композициялардан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Материалларга ишлов бериш методикаси ва уларнинг тавсифини ўлчаш ишида қайд қилинган.

Пойабзал устки қисми учун мўлжалланган чармнинг сирт микрорельефи юқори хўллаш четки бурчагини олдиндан белгилаб қўяди, лекин суртилган томчи тез ёйилади ва 1 минут ичида шимилиб кетади.



4.Расм. дастлабки ва поливинилэтинилдигидроксихлорсилан (I, II, III, IV) асосида олинган полиэтилгидросилоксан (V) ва гидрофобловчи композиция билан ишлов берилган устки чарм материалларининг хўллаш четка бурчаги ўзгариш кинетикаси

2-жадвал

Пойабзал устки қисми учун мўлжалланган чармнинг дастлабки ва модифирланган юза хусусияти

| Кўрсаткичлар | Даст-лаб. | Гидрофобизаторлар | | | | |
|------------------------|-----------|-------------------|-----|------|------|----------------|
| | | 1В | 2В | 3В | 4В | 5В назорат. |
| Хўлланиш четки бурчаги | 60 | 120 | 130 | 140 | 140 | 130 |
| Юмалаб тушиш бурчаги, | 55 | 130 | 140 | →130 | →130 | →130 |

4-расмда (1-эгри чизиқ) томчини чармга сингдириш кинетикаси келтирилган. Гидрофобизаторлар билан материалга ишлов бериш на фақат четки бурчак хўлланилишини оширади, балки томчи сингдирилишини кескин камайтиради (4-расм, 2,3 эгри чизиқлар). Модифирланган материал-ларни 30 сек. мобайнида кузатиш натижасида бурчак хўлланилиши ўзгармас қолиши аниқланди, томчи айланаси ўзгариши кузатилмади, у айлана шаклини сақлаб қолди. Олинган маълумотлар на фақат пойабзал устки қисми учун мўлжалланган чарм элементларининг структуравий сирт шимилиш даражаси камайишдан, балки сирт хўлланилиш типи ўзгаришидан далолат беради, айнан

модификаторлар билан ишлов бериш гомоген хўлланиш ² режимдан гетерогенга ўтиш имконини беради.

Пойабзал устки қисми учун мўлжалланган чармнинг бир хил бўлмаган-структавий юзасини гидрофоблаш намлик гетероген хўлланиш режими ёрдамида амалга оширилади, у намликни материал ҳажмига тез шимилиб кетишига тўсқинлик қилади. Бу сезиларли даражада унинг шимилиш тезлигини камайтиради ва хромли ошланган чарм поябзалининг эксплуатацион тавсифи яхшилашини таъминлайди. Томчи шимилиш кинетикаси таҳлили бир хил бўлмаган структурали юзага эга бўлган материалларнинг гидрофоб хусусиятларини информатив баҳолаш усули ҳисобланади. Сув ўтказувчанлик статистикада 1,5-2,0 марта, динамикада эса 2,0 марта камайди. Гигроскопик (икки соатли) 13,8-65 % га камайди, сингдирувчанлик ўзгармади ёки 36,8 % чегарада камайди, буғ ўтказувчанлик ва иссиқлик ўтказувчанлик сезиларли даражада ўзгармади.

Шундай қилиб, тайёр пардозланган поябзал устки қисми учун мўлжалланган чармини батафсил гидрофоблашда ПВЭДГОХС асосида олинган янги гидрофобловчи композициядан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин.

Гидрофобланган чармнинг термордеформацион ўзгаришини тадқиқ этиши. Тадқиқотларда DSC усули ёрдамида назорат (полиэтилгидросилоксан билан гидрофобланган) намуналарида ҳам, тажрибавий чарм намуналарида ҳам намоён бўладиган термордеформацион ўзгаришлар синчиклаб ўрганиб чиқилди. TG-DSC экспериментлар Netzsch Simultaneous Analyzer STA 409 PG (Германия) асбоби, К-туридаги (Low RG Silver) терможуфтлик ва алюминли тигля ёрдамида ўтказилди. Барча ўлчовлар инертли азотли атмосферада 50 мл/мин азот оқими тезлигида ўтказилди. Ҳарорат ўлчовлари диапазони 20-550 °С, қиздириш тезлиги 5,0 °С/минутдан иборат. Битта ўлчовга намуналар миқдори 5-6 мг. Ўлчов тизими KNO₃, In, Bi, Sn, Zn, CsCl стандарт моддалар тўпламида калибрланди. Кўзда тутилгандек, барча чарм намуналарида экзо- ва эндотермик чўкқига эришилди. Бироқ, тадқиқ қилинаётган назорат ва тажрибавий чарм намуналарида эндотермик эффект DSC конфигурациялари турлича бўлди. Барча парчаланиш жараёнлари сув десорбцияси, пролиз билан парчаланиш ва кўмирга айланиши билан боғлиқ.

Олинган DSC ва TG IV тажрибавий чарм намуна натижаларини таҳлил қилган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, бунда унинг термостабиллиги III- тажрибавий чарм намунасида унчалик фарқ қилмайди, лекин I-II тажрибавий ва V –назорат гидрофобланган чарм намуналарига нисбатан сезиларли даражада юқори.

Намуналарнинг олинган термоаналитик эксперимент натижаларини умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосага келиш мумкин, бунда аввал гидрофобланган чарм намуналаридан 90-100°С ҳароратгача (гидратация) иссиқлик ютилишида сув заррачалари ажралиб чиқади, бунда масса

²Серенко О.А. Исследование влияния гидрофобной обработки материалов верха обуви на стойкость к истиранию /Текст/. 2011. Витебск.

йўқотилиши тахминан 12-15% ни ташкил этади. Сўнгра 100°C дан то 300 °C гача кескин ўзгаришлар юз бермайди. 300°C дан бошлаб, то 420°C гача тажрибавий намуналарнинг иссиқлик ажратиш кўрсаткичи ўзгариб боради (экзотермик жараён). Кейинчалик ҳарорат интервалида чарм ёниши ва кўмирга айланиши юз беради, у намунага боғлиқ бўлган ҳолда 510-555 °C тўхтайтиди. Эришилган натижалардан шундай хулосага келиш мумкинки, бунда гидрофобланган чарм намуналарининг ҳарорат интервали ортиши, энг аввало гидрофобловчи композициянинг чарм коллогени функционал- фаол гуруҳлари аминли, гидроксилли гуруҳлари билан ўзаро реакцияга киришиши ҳисобига намоён бўлади. Бундан ташқари чарм намуналарининг молекулалараро водородли боғлами узилиши юз бериши табиий ҳол.

Рентгенструктурали таҳил усули ёрдамида гидрофобланган чармнинг аморфли-кристалл фазаларини ўрганиш

Тадқиқотнинг рентгенографияси катта бурчак остида ўтказилди. Тажрибавий ва назорат намуналарининг дифрактограммалари “нисбий-интенсив-лик-текислик аро тескари йўналишдаги масофа” координаталарида ёзилган. Тексликлараро тескари масофа (абсцисса ўқи) нм.да ўлчанди. Дифракцион максимуми ярим кенглигининг камайиши тажрибавий намунанинг кристал-лик даражаси юқори бўлганидан далолат беради.

Олинган натижалардан маълум бўлдики, бунда чармга гидрофоб ишлов бериш намуналарнинг кристалланиш даражаси ортишига олиб келади, яъни натижада сезиларли даражада тартибга келтирилган материал структураси ҳосил бўлади, бу дифракцион ярим кенглик максимуми камайиши билан тасдиқланади. Шундай қилиб, тажрибавий намуналарнинг дифракцион рентгено-структурали таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, бунда гидрофоблаш чарм намуналарининг аморфли таркибий қисмларини тартибга келтириш даражасини оширишга олиб келади.


Гидрофобловчи композицияларнинг коллеген билан ўзаро таъсирини спектроскопик тадқиқ этиш

ИК-спекторларни ўлчаш Германияда ишлаб чиқарилган Specord 75 IR спектофотометрда олиб борилди.

Мазкур ишнинг мақсади “ИК”, ”УФ” ва “ЯМР” спектроскопия усули ёрдамида асосий чарм оксили-коллоген билан тадқиқ этилаётган гидрофобли композитларнинг боғлиқлик характерини ўрганиб чиқишдан иборат. “ИК” ва “УФ” спектр ютилиши Specord 75 IR ва Specord UV спектрофотометрлар ёрдамида ўлчанди. Модел сифатида коллагендан фойдаланилди. Тадқиқот объекти сифатида хромли ошловчи 45% асос ва Cr₂O₃ концентрациядаги бирикмали эритмага 1 соат давомида бўктирилган 4 % ошланган коллаген эритмасидан тайёрланган пленкадан фойдаланилди. Сўнгра, бир оз қуритиб олинди ва ювилди. Пленка олингандан сўнг, унинг “ИК” оралиғида ютиш спектри аниқланди ва тадқиқ этилаётган гидрофобизаторлар: ПВЭДГОХС асосида олинган гидрофобловчи композиция, полиэтилгидросилоксан эмулсия, ва коллагенга гидрофобловчи композиция билан ишлов берилди. Шундан кейин пленкани сув билан ювдик ва иккинчи марта “ИК” ютиш спектрини

туширдик, уни назорат намунаси билан солиштирдик. Кўйгич (Подложка) сифатида юқори омли кремнийдан тайёрланган пластинадан фойдаланган ҳолда тадқиқ қилинаётган препаратларнинг “ИК” спектрларини туширдик. Пластиналар орасида қатлам кўринишидаги NaCl намунадан фойдаланган ҳолда кремнийорганикли полиэтилгидросилоксан суёқлиги спектри туширилди.

Шундай қилиб, хулоса чиқариш мумкин, қиёсий таққосланган дастлабки ва 5-расмда тақдим этилган ПВЭДГОХС асосидаги композиция коллаген билан ишлов берилган спектрларни, 3500-3100 см^{-1} оралиғида ютиш йўллари сезиларли даражада кенгайган ва 2980 см^{-1} да CH_1 , CH_2 гуруҳнинг интенсивлиги етарлича ошган.



5. Расм III вариант тажрибавий гидрофобланган намуна тақдим этилган.

Гидроксилли гуруҳларнинг валентли тебраниш полосаси мувофиқ равишда ютилиши ва кенгайиши ушбу оралиқда гидролизланган комплекс ОН-гуруҳлари ва функционал NH- коллоген гуруҳлари орасидаги водородли боғларнинг мавжудлигини тахмин қилишда асос бўлиб хизмат қилади. Бироқ, азот ва хром атоми орасида пухта ковалент боғламларни ҳосил қилган ҳолда, хромли комплекс билан коллаген амина гуруҳларларнинг ўзаро таъсирланиши содир бўлди.

ПВЭДГОХС асосидаги композиция билан ишлов берилган, ютиш полосаси 1650, 1550 ва 1450, 1414 см^{-1} частотада бўлган коллаген “ИК” спектрлари ўзгармас бўлиб қолади. Коллаген COOH -гуруҳи учун ушбу хослик шундан далолат берадики, бунда комплексни адсорбциялашда ошловчи таъсирга эга бўлган сувда эримайдиган хромилхлорид ва хромнинг асосий стереати парчаланиши юзага келиши мумкин. 1260 см^{-1} , 1090 см^{-1} -Si (CH_2), 1020 см^{-1} - 850 см^{-1} - Si-O, 850 см^{-1} ва 790 см^{-1} - Si-C оралиғида ПВЭДГОХСга мувофиқ равишда янги ютилиш полосаси пайдо бўлади.

ПВЭДГОХС “ИК” спектрларини ўрганиб чиқишда бир оз ютилиш силжишлари аниқланди, баъзи бир ҳолатларда анчагина паст частоталар томонига кўпроқ силжийди. 1400, 1375, 1235 см^{-1} частоталарда ютилиш полосаси мавжудлиги C-C боғларга мос келади.

Полосаларнинг 3460, 3400, 3280 см^{-1} оралиқда сурилиши ОН гуруҳнинг валентли тебранишига мос келади. Бу ҳолатда этилен боғламлар учун

характерли бўлган полосалар 1600, 1530 $см^{-1}$ частоталар оралиғида намоён бўлади, 600, 550 $см^{-1}$ да Si–Cl га хос бўлган полосалар кузатилади.


Бунда эмулсия кўринишидаги кремнийорганик полиэтилгидросилоксан суюқлик фақатгина табиат сорбцион кучи воситасида коллагенга фиксацияланади ва коллаген билан мустаҳкам кимёвий ковалент бирикмаларни ҳосил қилмайди. Белгилаб қўйилдики, бунда ишлов берилган коллаген спектри ишлов берилмагандан деярли фарқ қилмайди, бу қайд қилинган шароитларда полиэтилгидросилоксан ва коллаген орасидаги сезаларли кимёвий ўзаро таъсирланиш мавжуд эмас, деган хулосага келишга ундайди.

Шунингдек, диссертация ишида тадқиқ қилинаётган объектлар, **“УФ” – спектрлари ўрганиб чиқилди.**

